УзССР Давлат матбуот қўмитаси Ил Рес. илмий кутубхонаси УзССР
96 794

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 20 июль, чоршанба** | № 34 (6621). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. Раҳбарлик, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олиши зарур.

И. КАРИМОВ.

Наманган вилояти Чуст туманидаги "Иқтидор" ҳомгоҳида республика иқтидорли ёш физик ва математикларининг IV ёзги мактаби очилди. Болалар ёзги мактабда ўн кун давомида таниқли олимлар қўлида сабоқ оладилар.

Ота-оналар, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари олти ёшли болалар учун қийин бўлган мактабга мослашиш даврини енгиллаштиришдан иборат. Бунинг учун даставвал уй шароитида, боғчада, мактабда тинч, осойишта шароит яратиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигини нишонлашга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, истиқлол ғояларини ҳар бир фуқаронинг тафаккурига етказиш, ёш авлодни юртпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашни янада кучайтириш, шунингдек, байрамни юксак ғоявий ва маданий-бадиий савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда:

Тошкент шаҳрида байрамни ўтказиш юзасидан ташкилий, маданий, маърифий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда мустақиллик кунининг юқори ғоявий-бадиий савияда уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:

Фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва жамғармалар миллий-маданий марказлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигини барча меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, харбий қисмларда, аҳоли яшаш жойларида кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва уни тўлигича амалга оширсинлар;

Республика мустақиллигини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўшиб, меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган фуқароларни давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида таклифлар киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 6 майдаги фармони асосида мустақиллик кунидан бошлаб "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари ҳамда тегишли пул ва маблағларини тантанали равишда топширишга алоҳида эътибор берсинлар.

3. Республика адлия ва ички ишлар вазирликлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда мустақилликнинг уч йиллиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларнинг айрим тоифаларига нисбатан умумий авф (амнистия) эълон қилиш тўғрисида таклифларини киритсинлар.

4. Давлат Матбуот қўмитаси ташкилий қўмита талабномаси асосида зарур босма маҳсулотларини нашр қилсин.

5. Давлат телерадиокомпанияси ва барча оммавий ахборот воситаларига мустақиллик кунини нишонлашга тайёргарликнинг боришини, мустақил Ўзбекистон давлатининг тикланиш тарихини, халқаро мавқеи ортиб бораётганини, халқимизнинг маънавий ва моддий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўрсатувлар, эшиттиришлар ва асарларни бериб бориш топширилсин.

6. Давлат кинокомпанияси Ўзбекистонда мустақиллик кунининг уч йиллигини нишонлашга бағишланган ҳужжатли-хроникал фильмлар яратсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, пойтахтда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдим қилган ҳисоб-китоб асосида тенг улушларда республика ва шаҳар бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Бир катор йирик меҳнат жамоаларининг, республика хайрия жамғармаларининг ихтиёрий равишда байрам тадбирларини ўтказишга ўз ҳисобларидан маблағ ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 июль

Янги ўқув йилига тараддуд

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН МАХСУС САВДО

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги "Ўзбексавдо" давлат ассоциацияси, "Ўзбекбирлашув" бошқаруви билан биргаликда "1994-1995 ўқув йилига мактаб товарлари билан савдо қилишга тайёргарлик тўғрисида" махсус буйруқ чиқарди. Ушбу ҳужжатни мухбиримиз илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ шарҳлаб берди:

– Янги ўқув йили бошланишига бир ойдан ортиқроқ вақт қолди. Кўпгина ота-оналар, ўқувчилар Билимлар кунигача кийимларини, пойабзалларини, китоб ва дафтар, ручка, қалам, портфел ва бошқа ўқув қуролларини шай этишлари керак. Лекин ҳозирги шароитда бу молларни савдо дўконларидан излаб топиш қийин. Шуларни эътиборга олиб, зарур кийим-кечаклар ва буюмларни харид қилишда умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига қулайлик яратиш мақсадида вазирлигимиз алоқадор республика савдо бошқарувининг етакчи ташкилотлари билан биргаликда буйруқ қабул қилди. Ушбу ҳужжат ижро учун Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, "Қорақалпоксавдо" давлат ассоциацияси, матлубот жамиятига, вилоят халқ таълими бошқармалари, савдо-саноат концернлари, матлубот жамиятларига, Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, савдо-саноат концерни, ишчи таъминоти бошқармаси бўлимларига, шунингдек, "Кийим", "Маданий моллар", "Пойабзал ва спорт моллари" республика акционерлик бирлашмалари раҳбарларига юборилди.

Улар туман ҳокимиятлари билан ҳамкорликда аҳоли зич яшайдиган жойларда шу йилнинг 8 августидан бошлаб 10 сентябригача мактабнинг барча босқич ўқувчилари учун керакли мактаб товарлари билан савдо қилувчи расталар ва "Мактаб бозорлари"ни ташкил этадилар, республика саноат корхоналари ва омборларидан белгиланган миқдорда мактаб товарларининг хилларини оладилар ва савдо тармоқлари учун заҳирани вужудга келтирадилар, шу заҳирадан савдо дўконларини моллар билан таъминлайдилар.

Акционерлик бирлашмалари, вилоят савдо-ишлаб чиқариш концернлари, "Ўзбекбирлашув"нинг базалари республика ташқарисидан келтириладиган мактаб товарларини олиб келишни, бирламчи зарур бўлган савдо ташкилотларига тарқатишни таъминлайдилар.

Бу соҳада халқ таълими бошқарув идоралари ҳам бир қатор ташкилотчилик ишларини олиб боришлари керак. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси барча мактабларда ўқувчилар кийими ва ўқув қуролларига муҳтожлар рўйхатини тузиш, кўп болали ва кам даромадли оилалар фарзандларига мактаб товарларини харид қилишда умумтаълим фондидан ёрдам чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, заруратга қараб "Ўзкитобсавдо"га ва матлубот жамиятларига мактабларда товарлар савдосини ташкил этиш учун алоҳида хоналар ажратиб бериш, мактаб ўқувчиларининг кийим ва ўқув қуроллари билан таъминланиши юзасидан август ойининг 22, 29 кунларида ва сентябрь ойининг 5, 12 кунларида Халқ таълими вазирлигининг ижтимоий масалалар бошқармасига маълумотлар бериб туришни амалга оширадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб бозорларини ташкил этишда аввалги йиллардаги тажрибалардан ҳам самарали фойдаланиш, хусусан, олис қишлоқлар ва турар-жойларга мактаб моллари билан савдо қилувчи кўчма дўконларни ташкил этиш ва юбориш зарур. Савдо ва харид ишларини амалга оширишда оталиқ ташкилотлари, мактабларнинг жонкуяр ҳомийлари эътиборини ҳам жалб этишни унутмаслик лозим.

Ўйлаймизки, мактаб бозорларини тарғиб этишда телевидение, радио ва республика вақтли матбуоти ходимлари ҳам ҳар йилгидек катта ёрдам берадилар.

Энг муҳими, бугун мактаб партасида таълим олаётган ўғил-қизлар кийим-кечак, ўқув қуроллари билан қанчалик тўлиқ таъминланса, бу уларнинг ўқув йили давомида пухта билим олишига замин эканлигини унутмаслигимиз керак.

Таълим: ислоҳот жабҳалари

ХЭЛЛОУ, АМЕРИКА!

Америка Қўшма Штатларига ўқишга жўнаб кетаётган Ўзбекистонлик юқори синф ўқувчилари Америка заминига оёқ қўйгач, худди шу сўзларни айтадилар. Республиканинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпоғистондан 55 ўқувчи таҳсилни Америкада давом эттириш имкониятига эга бўлди. Уларга бу имкониятни АҚШдаги "АКСЕЛС" таълим ва тил ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик маркази яратиб берди. Марказ вакиллари Ўзбекистонга олижаноб мақсадни, яъни инглиз тилини яхши биладиган иқтидорли болаларга таълим беришга оид бир қанча дастурларни амалга оширишни кўзлаб келишган эди.

Республика Халқ таълими вазирлиги таҳсил олиш учун АҚШга жўнаб кетаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил килди. Унда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Генри Ли Кларк ўқувчиларга оқ йўл тиладилар. Бу тадбирни Америка томони маориф соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида амалга ошираётгани қайд этилди. АҚШ ўқувчиларнинг Америкада бўлиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни ўз зиммасига олади.

Бундан бир йил олдин 48 нафар ўқувчи нуфузли мактаб ва коллежларда билим олиш учун АҚШга жўнаб кетган эди. Ўқувчиларни кузатишга улар ҳам келишди.

— Вазифамиз — уларнинг АҚШ мактабларида олган билимдан тўла фойдаланишларига эришишдан иборат, — деди Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Шу муносабат билан бир қанча олий ўқув юртлари негизида истеъдодли ўқувчилар учун лицейлар очишни режалаштиряпмиз.

Ҳукуматимиз иқтидорли болаларга доимий эътибор бераётгани ҳам муҳимдир. Истеъдодли болаларни рағбатлантириш учун махсус жамғарма ташкил этилгани, қобилиятли болаларни аниқлаш учун ижодий танловлар, олимпиадалар ўтказилаётгани бунинг далилидир. Шу жиҳатдан қараганда, хорижий тажриба диққатга сазовор. Биз таълим андозасини ишлаб чиқиш ва барча илғор усулларни жорий этиш учун бу тажрибани ўрганмоқчимиз.

Ўзбекистон ҳозир таълим соҳасида кўп мамлакатлар билан алоқани кенгайтирмоқда. Шу сабабли чет тилларни ўрганиш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тажрибасини ўзлаштиришга истеъдодли ёшларни жалб этиш зарур. Ўқиш учун АҚШга жўнаб кетаётган 55 нафар ўқувчимиз мустақил Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўлади, деб умид қиламан.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

Акмал Икромов туманидаги Тўлқин Жалолов номидаги 245-мактаб жамоаси бу йилги таъмирни ўз кучлари эвазига бажаришга қарор қилишганди. Ҳозирда ўқитувчилар раҳбарлиги остида синф хоналари ва фан кабинетлари ўқувчилар томонидан таъмирланаяпти. Кимнингдир отаси бўёқ келтиришга ердам бермоқда, кимдир ёғоч, фанер топиб бериш ташвишида. Хуллас, каттаю кичикнинг мақсади — жонажон мактабларини, азиз муаллимлари сабоқ берадиган ва ўзлари сабоқ тинглайдиган жойни ораста, саришта, қулай ва шинам бўлишини таъминлаш.

Суратда: 8-"А" синф раҳбари, мактабнинг тажрибали физика ўқитувчиси Матлуба Ҳидоятова ўз ўқувчиларига бош-қош.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

САРАТОНДЕК ҚИЗҒИН МАВСУМ

Илм масканлари қурилиши ва таъмири бу йил ҳам ўзига хос мавсум тусини олди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳикматилла ИСМАТОВнинг мухбиримиз билан суҳбатидан вазирлик тасарруфидаги илм масканларида янги ўқув йилига ҳозирлик қандай олиб борилаётгани ҳақида маълумот оласиз:

– Жорий йилда республикамизда 979 та мактаб, 469 та болалар боғчаси, 98 та мактабдан ташқари муассаса, 24 та мактаб-интернат, 20 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, 127 та ҳунар-техника билим юртини ялпи таъмирдан чиқариш режалаштирилган. 7720 та мактаб, 3275 та болалар боғчаси, 723 та мактабдан ташқари муассаса, 90 та мактаб-интернат, 168 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, 307 та ҳунар-техника билим юртида эса жорий таъмирлаш ишлари ўтказилади.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида 616 та иситиш қозонхонаси, 253,7 минг метр ички, 117,3 минг метр ташқи иситиш тармоқларини, 22627 та иситиш печкасини, 513,8 минг кв. м. томни ялпи таъмирлаш, 340,6 минг кв. метр ойнани алмаштириш мўлжалланган.

Янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини ҳар томонлама сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириб бориш ва зарур ҳолларда жойларда ҳокимиятлар билан биргаликда амалий ердам кўрсатиш учун вазирлик ҳузурида масъул ходимлардан иборат штаб тузилган. У мунтазам равишда фаолият кўрсатиб, ҳар ойда 2 марта ишларнинг боришини таҳлил қилиб бораяпти.

Шу йилнинг 15 июлигача бўлган маълумотларга кўра 489 та мактаб, 275 та болалар боғчаси, 54 та мактабдан ташқари муассаса, 11 та мактаб-интернат, 16 та мактабларо ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, 70 та ҳунар-техника билим юрти ялпи таъмирлашдан, 6195 та мактаб, 2583 та болалар боғчаси, 662 та мактабдан ташқари муассаса, 65 та мактаб-интернат, 142 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси, 215 та ҲТБЮ жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам қизғин паллага кирган. Ҳозиргача 369 та иситиш қозонхонаси, 129,5 минг метр ички, 71,8 минг метр ташқи иситиш тармоқлари, 17850 дона печка, 191,3 минг кв. метр том ялпи таъмирлашдан чиқарилган.

Жорий йилда республикамиз бўйича 86886 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ва 8550 ўринга мўлжалланган болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ўтган ярим йил давомида 33903 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари ва 3145 ўринга мўлжалланган болалар боғчалари бинолари ишга туширилган.

Андижон, Наманган, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар поёнига етай деб қолди. Бу борада ҳокимликлар, оталиқ ташкилотлари яқиндан ердан кўрсатишаётир. Чунончи, янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини жонлантириш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлиги махсус қарор қабул қилди. Унда халқ таълими муассасаларини кузги-қишки мавсумга ва янги ўқув йилига тайёрлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган ҳамда уларни бажариш муддатлари 20 август, деб белгилаб қўйилган. Қурилиш ташкилотларига эса шу йил фойдаланишга топширилиши лозим бўлган умумтаълим мактаб бинларини 1 сентябргача ишга туширишни таъминлаш юклатилган.

Албатта вақт кутиб турмайди. Мавжуд имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланиш, фарзандларимизни озода ва ёруғ хоналарда кутиб олиш — бугун биз учун бундан масъулиятлироқ вазифа йўқ!

Бу сизнинг китобингиз: ўқинг, ўрганинг, авайлаб-асранг!

ЎҚИШ КИТОБИ

1993 йилда чоп этилган бу янги дарслик учинчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган, яъни ўқитувчилар учун синов дарслик ҳисобланади. Муаллифи Муҳаббат Умарова. "Ўқитувчи" нашриёти. Тиражи ўн минг. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

КУНДАЛИК КУЗАТИШ ДАФТАРИ

3-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бу қўлланма табиатни ва кишилар меҳнатини кундалик кузатиш ва натижаларни қайд этиб боришда қўл келади. Анда Григорьянц, Елена Бельская муаллифлик қилган бу қўлланма "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 1992 йилда икки юз минг нусхада чоп этилган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган.

ҲАР БОЛАНИНГ ЎЗ КИТОБИ БЎЛСИН

Республика ўқув-методика маркази замон талабларидан келиб чиқиб, ўз олдига барча турдаги ўқув муассасаларини янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш вазифасини қўйди ҳамда шуларга асосланиб иш олиб бораяпти. Шу кунгача 180 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг 40 фоизи янгиланди. Биргина 1994 йилнинг ўзида 21 номда янги дарсликлар нашр қилинади.

Айни пайтда 300 дан ортиқ олим РЎММ ходимлари билан ҳамкорликда 50 дан ортиқ дарсликларни янгидан яратиш устида иш олиб боряпти. Шу ўринда уч йил давомида 21 та синов дарсликлари чоп этилганини қайд этиб ўтмоқ жоиздир. Шунингдек, русийзабон ўқувчилари учун 31 та дарслик яратилиб, ўзимизда нашр қилинди. ИҲТА дарслиги ўзбек олимлари томонидан яратилди.

Маълумки, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтилади. Бунда баъзи вазифаларни зудлик билан бажариш тақозо этилмоқда. Шу асосда 1995-96 ўқув йили учун 1-синфларга мўлжалланган, дарслик, дастур, ўқув-методик адабиёт, дидактик материалларни мужассам этган мажмуа яратилди. Уни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъати кўриб чиқиб, тасдиқлади...

Таълим қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган ўрта умумтаълим мактаблари учун "Ўзбек тили" ўқув дастури нашр этилди. Шу кунгача "Ўқитувчи" нашриёти томонидан Тожикистон Республикасига 15 номда 85630 нусха, Қозоғистон Республикасига 19 номда 96385 нусха дарслик ва ўқув қўлланмалари жўнатилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ўқиш 7 тилда олиб бориладиган ўрта умумтаълим мактаблари учун 1994/95 ўқув йилига 450 номда ўттиз миллион 47400 нусха дарслик нашр этилиши мўлжалланган бўлиб, шу кунгача 71 номда 11 миллионга яқин дарслик нашр этилиб, савдо тармоқлари орқали жойларга юборилди. Жумладан, "Ўқитувчи" нашриёти томонидан ўзбек тилида 82 номда салкам 25 миллион нусха дарслик чоп этилиши мўлжалланган бўлиб, шу кунга қадар 54 номда 10 миллион нусхадан зиёд дарслик чоп этилиб, савдо тармоқларига етказилган.

Ҳали бу борада Республика ўқув-методика маркази ходимлари амалга оширадиган ишлар жуда кўп. Хусусан, биз янги дарслик яратишга олимлар, методист ўқитувчилар билан баҳамжиҳатликда бор куч-ғайратимизни сарфлаяпмиз. Гапнинг индаллосини айтганда, умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар, ҳунар-техника, шунингдек, педагогика билим юртлари сифатли дарсликлар билан таъминлангандагина биз ўз вазифамизни тўла адо этган бўламиз.

Шомухтор ШОМАНСУРОВ,
Республика ўқув-методика маркази директори.

Мустақиллик одимлари

Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган мустақиллик сиёсати туфайли республикамизда юз бераётган янгиланишлар халқнинг руҳиятини, дунёқарашини ва меҳнатга муносабатини ўзгартиряпти. Бу жараён деярли барча соҳаларда, жумладан, халқ таълимида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этаётган вилоятимиз педагоглари кейинги икки йил ичида маълум ютуқларни қўлга киритдилар: Республика Олий кенгаши Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими қўмитаси томонидан 1993 йили "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг вилоятимизда бажарилишини қониқарли деб топилиши, янги турдаги ўқув муассасаларини тузиш, ўқувчилар билимларини тест усулида аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялашдаги ижобий ишларнинг Халқ таълими вазирлиги томонидан республикага ёйилганлиги бунга бир мисол, холос.

Ўтган ўқув йиллининг ўзида республика миқёсидаги иккита: "Таълим-таъминот — 94" ва "Устоз-шогирд" семинар-кенгашининг Андижонда ўтказилишини, аввалambor, вилоят халқига ҳурмат, қолаверса, халқ таълими ходимларига билдирилган ишонч деб ҳисоблаймиз.

Вилоят ҳокимлигининг халқ таълимига доимий эътибори ва ёрдами туфайли бир қанча йўналишлар бўйича ташаббус билан чиқишга имконият яратилди. Жумладан, вилоят ҳокимининг махсус фармойиши билан гимназияда ишлаётганларнинг ойлик маошларига шу йил май ойидан бошлаб 20 фоиз қўшимча иш ҳақи қўшиб берилаётганлиги ҳамда энг фидойи ва жонкуяр халқ таълими ходимларини рағбатлантириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси таъсис этган Бобур, Нодира, Чўлпон, А. Эшонхўжаев, М. Абдурасулов, О. Акбаров номидаги мукофотларнинг ўн икки нафар соҳибига ҳар йили энг кам ойлик маошнинг ўн баробар миқдорида пул мукофоти берилиши педагогларимизни ижодий изланишлар сари даъват этмоқда.

Бошқармамиз қошида "Зиёкор"ҳафтаномасининг ташкил этилиши, Хўжаобод туманидаги Дилкушод қишлоғида Бобур номидаги вилоят халқ таълими ходимларининг дам олиш уйи ва Хонобод шаҳрида иқтидорли болаларнинг дам олиш уйининг очилиши ҳам вилоят ҳокимлигининг халқ таълими ходимларини рағбатлантириш мақсадида амалга оширган эзгу ишларидандир. Давлат банкида жорий ҳисобга эга бўлган халқ таълими фахрийлари вилоят кенгаши фаолиятига, шунингдек вилоятимиз халқ таълими ходимларининг ўлмас анъаналари, ажойиб ишларини келажак авлодга етказиш мақсадида ташкил қилинган халқ таълими музейига республикамизда катта баҳо берилмоқда.

Умуман, вилоятимизда мустақиллик шарофати туфайли таълим ходимлари учун янада яхшироқ ишлаш ва изланиш учун кенг имкониятлар яратилаётир. Бу борада, айниқса, Балиқчи, Марҳамат, Избоскан, Қўрғонтепа ва Олтинкўл туманларида ибратли кишилар амалга оширилаётир. Туман ҳокимлари Абдусаттор Ғаниев, Позилжон Мамақов, Сайдулло Бегалиев, Тилаволди Бобохонов, Баҳодир Тешабоевлар ота-оналар ва кенг жамоатчиликни халқ таълими муассасалари фаолиятини янада юқори поғоналарга кўтаришдек олижаноб ишларга сафарбар эта олганлар.

Шунга қарамай, "Таълим тўғрисида"ги Қонунни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилиш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида ва ҳунар билим юртларида таълим-тарбия жараёнини мустақил давлатимизнинг талаб-эҳтиёжлари даражасига кўтариш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ишларида самарадорликни янада оширишни вилоят халқ таълими бошқармаси ўзининг кундалик вазифаси деб билади. Бунинг учун куч ва имкониятлар етарли. Раҳбар ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, уларнинг масъулиятини ошириш, таълим жараёнига ота-оналар ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш борасидаги ҳаракатларимиз дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, "Фарзандларимизнинг яна ҳам таълим-тарбияли ва одобли бўлиб етишишларини таъминлаш — бизнинг миллий бурчимиз". Зеро, бу олижаноб ишлардан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа таълим муассасаларини жиҳозлаш, зарур ўқув қуроллари билан таъминлаш бугунги долзарб ишимиздир.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши халқ таълими устиворлигини таъминласа, халқ таълимининг юксак даражада ривожланиши эса келажагимизни белгилайдиган асосий омилдир. Биз — халқ таълими ходимлари буни яхши англаган ҳолда келажаги буюк Ўзбекистон давлатимизнинг жисмонан соғлом, билимдон ва эътиқодли авлодини камол топтиришга бор куч ғайратимизни сафарбар этаверамиз.

Жўрабой ХАЛИЛОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

педагоглари кейинги икки йил ичида маълум ютуқларни қўлга киритдилар: Республика Олий кенгаши Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими қўмитаси томонидан 1993 йили "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг вилоятимизда бажарилишини қониқарли деб топилиши, янги турдаги ўқув муассасаларини тузиш, ўқувчилар билимларини тест усулида аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаш ва тарбиялашдаги ижобий ишларнинг Халқ таълими вазирлиги томонидан республикага ёйилганлиги бунга бир мисол, холос.

Ўтган ўқув йиллининг ўзида республика миқёсидаги иккита: "Таълим-таъминот — 94" ва "Устоз-шогирд" семинар-кенгашининг Андижонда ўтказилишини, аввалambor, вилоят халқига ҳурмат, қолаверса, халқ таълими ходимларига билдирилган ишонч деб ҳисоблаймиз.

Вилоят ҳокимлигининг халқ таълимига доимий эътибори ва ёрдами туфайли бир қанча йўналишлар бўйича ташаббус билан чиқишга имконият яратилди. Жумладан, вилоятимизда мустақиллик шарофати туфайли таълим ходимлари учун янада яхшироқ ишлаш ва изланиш учун кенг имкониятлар яратилаётир. Бу борада, айниқса, Балиқчи, Марҳамат, Избоскан, Қўрғонтепа ва Олтинкўл туманларида ибратли кишилар амалга оширилаётир. Туман ҳокимлари Абдусаттор Ғаниев, Позилжон Мамақов, Сайдулло Бегалиев, Тилаволди Бобохонов, Баҳодир Тешабоевлар ота-оналар ва кенг жамоатчиликни халқ таълими муассасалари фаолиятини янада юқори поғоналарга кўтаришдек олижаноб ишларга сафарбар эта олганлар.

Шунга қарамай, "Таълим тўғрисида"ги Қонунни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилиш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида ва ҳунар билим юртларида таълим-тарбия жараёнини мустақил давлатимизнинг талаб-эҳтиёжлари даражасига кўтариш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ишларида самарадорликни янада оширишни вилоят халқ таълими бошқармаси ўзининг кундалик вазифаси деб билади. Бунинг учун куч ва имкониятлар етарли. Раҳбар ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, уларнинг масъулиятини ошириш, таълим жараёнига ота-оналар ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш борасидаги ҳаракатларимиз дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, "Фарзандларимизнинг яна ҳам таълим-тарбияли ва одобли бўлиб етишишларини таъминлаш — бизнинг миллий бурчимиз". Зеро, бу олижаноб ишлардан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа таълим муассасаларини жиҳозлаш, зарур ўқув қуроллари билан таъминлаш бугунги долзарб ишимиздир.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши халқ таълими устиворлигини таъминласа, халқ таълимининг юксак даражада ривожланиши эса келажагимизни белгилайдиган асосий омилдир. Биз — халқ таълими ходимлари буни яхши англаган ҳолда келажаги буюк Ўзбекистон давлатимизнинг жисмонан соғлом, билимдон ва эътиқодли авлодини камол топтиришга бор куч ғайратимизни сафарбар этаверамиз.

Жўрабой ХАЛИЛОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

Пешку туманидаги "Камалак" ясли-боғчасида тарбия баробарида болаларга таълим бериш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга ошириляпти. Жамоа мактабгача тарбия низоми ва Концепциясини чуқур ўзлаштириб, ўз ишларига ижодий ёндашмоқдалар.

Соғлом, бақувват ва уйғун болаларни тарбиялаб ўз боғ ридан мактабга кузатиш уларнинг асосий вазифасидир. Боғчага тажрибали тарбиячи-педагог Тўйбегим ҲОЖИЕВА раҳбарлик қилаётир.

Суратда: боғча мудираси Т. ҲОЖИЕВА кичкинтойлар оғушида.

Й. САИДОВ суратга олган.

«Маърифат»га жавоб берадилар

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Фарғона вилояти Риштон туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси М. Жўрабоев редакциямизга хат йўллаб, ўзи ишлаётган мактаб директори А. Усмоновнинг педагогикага зид бўлган хатти-ҳаракатлари, ўз атрофига қариндош-уруғларини йиғаётгани ҳақида маълум қилганди. Шикоят хати текшириш ва чора кўриш учун вилоят халқ таълими бошқармасига юборилди. Бошқарма бошлиғининг биринчи муовини Н. Ҳакимов имзоси билан қуйидаги мазмунда расмий жавоб олдик: "Худди шу мазмундаги хат туман ҳокимияти, халқ таълими бўлими, вилоят ҳокимияти ва халқ таълими бошқармасига йўлланган. Хат юзасидан юқоридаги ташкилотлар мутахассисларидан иборат гуруҳ текшириш ўтказди.

Текшириш давомида хатда кўрсатилган далиллар қисман тасдиқланди. Мактаб раҳбари А. Усмонов иш фаолияти давомида йўл қўйган хато-камчиликларини тан олди ва ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди".

***

Тошкент вилояти Бўка туманидаги 13-мактаб жамоаси редакциямизга ўқув маскани директори О. Имонқуловнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётгани, натижада ўқитувчилар ўртасида аҳиллик, тотувлик тобора камайиб бораётгани ҳақида куюниб мактуб ёзишганди. Уларнинг арзномаси ҳам текшириб, чора кўриш учун вилоят халқ таълими бошқармасига юборилганди. Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев имзоси билан жавоб олдик. Унда, жумладан, қуйидагилар ёзилган: "Шикоят бошқарма мутахассислари томонидан ўрганилганда бир қатор далиллар тасдиқланди. Бўка тумани халқ таълими бўлимининг 1994 йил 1 апрелдаги буйруғига биноан иш фаолиятида йўл қўйган қўпол хато ва камчиликлари учун О. Имонқулов лавозимидан озод этилиб, мактабга янги директор тайинланди. Ўқув-тарбия ишларини жонлантириш ҳамда жамоа ўртасида соғлом муҳитни вужудга келтириш вазифаси туман халқ таълими бўлими зиммасига юклатилди".

* * *

«АФСОНА БЎЛГАН ТОМОША»

"Маза-матрасиз, мазмун-мантиқсиз бўлган бу афишада томоша кўрсатиши лозим бўлган кўз бойловчиларнинг исми-шарифи ҳам, масъул бошловчининг номи ҳам айтилмаганининг гувоҳи бўласиз. Минг афсуски, афишада кўрсатилган кунлари туман мактабларининг қанчалаб ўқувчилари томоша кўрсатилиши лозим бўлган совуқ клублар эшиги олдида 2-3 соатлаб қаҳратон қиш чилласида дийдирашиб кутдилар..."

Бу парчани биз Н. Эшқувватовнинг газетамизнинг шу йилги 2 февраль сонида эълон қилинган "Афсона бўлган томоша" мақоласидан келтирдик. Мазкур танқидий мақола Самарқанд вилояти ҳокимияти томонидан ўрганилиб, таҳририятимизга вилоят ҳокими муовини А. Худойқулов имзоси билан расмий жавоб хати юборилган.

Маълум бўлишича, мақолада келтирилган далиллар исботини топган. Вилоят ҳокимияти маданият ишлари бошқармасида бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун шаҳар ва туман маданият ишлари бўлимлари бошлиқлари иштирокида мақола атрофлича муҳокама қилинган. Пастдарғом туман халқ таълими бўлимига бу каби воқеалар содир бўлмаслиги юзасидан тегишли чоралар кўриш топширилган.

Вилоят ҳокимининг ўтган йил 30 апрелдаги "Вилоят маданий-маърифий ишларини яхшилаш тўғрисида"ги махсус қарорида бошқарманинг махсус йўлланмаси бўлмаган, бошқа жумҳурият ва вилоятлардан гастролга келган ҳар қандай бадиий жамоалар, гуруҳлар ва концерт бригадаларини жойларда қабул қилиш қатъиян ман қилиниши қайд этилгани таъкидлаб ўтилган. Вилоятдаги барча жамоа ва ташкилот раҳбарлари ҳам бунга қатъий амал қилишлари лозим. Шундагина бундай сайёҳ гуруҳ ва алдамчи кимсалар фаолиятига ўрин қолмайди. Хатда айни пайтда вилоят маданият ишлари бошқармасининг йўлланмасисиз биронта гастрол ташкил этилишига йўл қўйилмаётгани ҳам айтиб ўтилган.

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» муҳокамада

САВОДХОНЛИК АСОСИ

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йўлидаги муҳим қадамларидан бири.

Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, лойиҳада ҳар бир қоида ниҳоятда лўнда жумлалар билан тузилган ва имло билан боғлиқ бўлган барча ҳодисалар акс этган. Албатта, мазкур қоидаларга 1956 йилда қабул қилинган "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари" асос қилиб олинган. Лекин узоқ йиллардан бери мутахассислар томонидан кўрсатиб келинаётган камчиликлар бартараф этилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасида таклиф қилинган фикрлар инобатга олинганлиги ҳам кўринниб турибди.

Қоидалар (қисқача шундай деймиз) жуда ихчам, ундаги фикрлар — лўнда, изчил, кенг қамровли. Бизнингча, у билан танишган одам (хоҳ у муаллим бўлсин, хоҳ бошқа соҳа мутахассиси) қониқиш ҳосил қилади. Шу билан бирга , Қоидалар лойиҳаси бўйича айрим мулоҳазаларимиз ҳам бор. Хусусан, лойиҳада "жарангсиз портловчи р лаб товушини ифодалаш учун ёзилади" қоидасини "лаб товуши, портловчи, жарангсиз р ни ифодалаш учун ёзилади" тарзида берилса, қоида қоидага асосан бўларди. Бунда товушлар тасниф қилинаётгандаги биринчи хусусият — артикуляция ўрни, иккинчи хусусият — артикуляция усули, учинчи хусусият — овоз ва шовқиннинг иштирокига хослик ҳисобга олинса, ҳар бир товушнинг таснифий белгилари изчил тартибда жойлаштирилган бўларди. Лойиҳадаги баъзи қоидаларда аввал артикуляция ўрнига хос хусусият эътиборга олинган, бошқасида эса овоз ва шовқиннинг иштирокига хос аломат биринчи навбатда назарда тутилган. Ҳар ҳолда, қоидалар бир хиллик асосида тузилса, мукаммал бўларди, деб ўйлаймиз.

Яна бир таклифимиз шуки, **металл, килограмм, грамм** каби сўзлар олдинги шаклида сўз охирида иккита бир хил ундош билан ёзилавергани маъқул. Бу ва шунга ўхшаган интернационал сўзлар, бир томондан, сингишиб кетган, иккинчи томондан биз ҳар куни бевосита алоқада бўладиган рус тилида ҳам иккита ундош билан ёзилади. Ўқувчилар ўзбек тилида бошқача, рус тилида бошқача ёзиш устида бош қотирмайдилар. Бунда битта бўлса ҳам хатонинг олди олинади.

Маълумки, лойиҳанинг 34-қоидасида апостроф ишлатилган мисоллар берилган. Бизнингча, **мавқе, толе, тавозе, мавзу** каби сўзларда апостроф керак эмас, чунки бу сўзларнинг апострофсиз ёзилиши ўқувчиларга ўзлашиб кетган. Бундан ташқари, шу сўз охиридаги унлиларни аъло, маъно каби сўзлардаги "**а**" унлиси каби ҳеч ким чўзиқ талаффуз қилмайди. Аксинча, **толе, тавозе** каби сўзларда **о** унлиси чўзиқ айтилади. Бу сўзларда апострофнинг қўйилиши **атташе, ашё, адо, обрў, туйғу, уйқу** каби сўзларни ёзишда ўқувчиларни иккилантириб қўяди ва хатога йўл қўйишга сабаб бўлади. Шу қоиданинг иккинчи бандида апостроф **"унли товуш ҳарфидан олдин қўйилиб"**, деган жумла бор. Бизнингча, бу жумла керак эмас, чунки келтирилган сўзларда унли товушни ифодалайдиган ҳарфлар бирдан ортиқ бўлиб, бу қоида ўқувчини чалғитиши мумкин.

81-қоидада "Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади", дейилган. Уни **"гапнинг биринчи сўзидаги биринчи ҳарф бош ҳарф билан ёзилади"**, деб тузатиш керак. Акс ҳолда ўқувчи гапнинг биринчи сўзи таркибидаги барча ҳарфларни бош ҳарф билан ёзиб қўйса, хато ҳисоблаб бўлмайди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, "Қоидалар"да нима учундир юмшатиш белгиси бўлган сўзларнинг имлоси ҳақида фикр йўқ. Ваҳоланки, сентябрь, октябрь, лагерь, факультет каби сўзлар матбуотда турлича ёзиб келинмоқда. Шу сўзларнинг имлоси ҳақида ҳам қоида берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Булардан қатъи назар, бизнингча, "Қоидалар" мукаммал. Айниқса, қўшиб ва ажратиб ҳамда чизиқча билан ёзиладиган қоидаларнинг умумлаштирилиб, яхлит ҳолга келтирилиши, "Бош ҳарфлар билан ёзиладиган сўзлар ва таркибли номлар имлоси"нинг аниқлиги, кўчириш қоидаларининг пухталиги, юкламалар ёзилишининг бир хиллаштирилиши Лойиҳа билан танишган ҳар бир кишида қониқиш туйғусини ҳосил қилади.

Р. РАСУЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.
С. СУЛТОНСАИДОВА,
институт умумий тилшунослик кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди.

"МАЪРИФАТ" ХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕК ШОИРИ — ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОСИ

Буюк Британия бошкенти Лондондан хушхабар келди: ўзбек шоири, "Ўзбекистон овози" газетасининг бош муҳаррири Азим Суюн жаҳон маданият ва санъат Академиясининг аъзоси этиб сайланди. Бу воқеа ўзбек шеъриятининг шарафини яна бир поғона юқорига кўтаради. Айни пайтда эса бу воқеанинг собиқ Иттифоқ худудида иккинчи эканлиги республикамиз учун бениҳоя қадрлидир.

Таниқли шоир, ҳамкасбимиз Азим Суюнни жаҳон шоирлари майдонига қадам қўйганлиги муносабати ила сидқидилдан муборакбод этамиз.

МИЛЛИОНЛАР МАКТАБГА

Республикамизда тадбиркорликка, хусусийлаштиришга кенг йўл очилгани илк самарасинин бермоқда. Тадбиркорлар хусусий корхоналар эгалари ишлаб-чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Жумладан, ҳалқ таълимини ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Фермер хўжаликлари томонидан шу кунларда кўрсатилаётган ёрдам ҳам шундай савобли ишлар сирасига киради.

Фермерлардан Бекмурод Мирзаев 3-мактабга 2 миллион, Бурхон Сафаров 4-мактабга 3 миллион, Ғулом Хўжамов ўз ҳисобидан 1 миллион, Омонтош Мавлонов 28- мактабга 2 миллион, Абдураззоқ Арабов 200 минг сўм-купон маблағ ажратдилар. Уларнинг саховатпешаликлари мактабларимизни ўз вақтида кўнгилдагидек қилиб янги ўқув йилга ҳозирлашимизга кўмак бўлаётир.

Яқинда туманимиз ҳокими буйруғи билан ўқув қуроллари, ўқувчилар кийим-кечаклари билан савдо қиладиган махсус дўкон очилди. У ердаги маҳсулотлар таъминоти туман ҳокимлиги томонидан қатъий назорат қилинмоқда. Дўконда мактабларимиз томорқаларида ҳамда ўқув ишлаб-чиқариш марказларида етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳам сотилмоқда.

М. НОРМАТОВ,
Нуробод тумани халқ таълими бўлими мудири.

ТАРАДДУД

Яқинда Шаҳрисабз туманидаги Шоди Шоимов номидаги 10-мактабда туман маорифчилари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар раҳбарларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда илмгоҳларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича қилинаётган ишлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини етказиб бериш, мактаблардаги кутубхоналарда бу борада олиб борилаётган тадбирлар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Б. Султонов мактабларни ўқув йилига тайёрлашдаги айрим нуқсонлар, қурилиш ишлари сусайиб бораётганлиги ҳақида сўз юритди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига маорифчилар қандай ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисида ҳам фикр билдирилди.

Камолиддин ҚОДИРОВ.

ЭКОЛОГИЯ — ДОЛЗАРБ МУАММО

Одамзоднинг эртанги куни қандай бўлиши унинг табиатга қай даражада ёндашишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина Орол денгизи фожиасини эслашнинг ўзиёқ буни яққол исботлаб турибди.

Экология ва инсон муаммоларига бағишлаб " Табиат кеча, бугун, эртага" мавзусида Нукус шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ўқувчиларининг илмий-амалий конференциясида шу ҳакда сўз юритилди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан, академияси Қорақалпоғистон бўлими жамоаси номидан биология фанлари доктори М. Полвонниёзов самимий табрикладилар.

Илмий-амалий конференцияда инсон ва табиат шўъбаси /раҳбари профессор Э. О. Турдиқулов/, экология ва саломатлик шўъбаси /раҳбари доцент М. Мирбобоев/, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш ва уларни қўриқлаш шўъбаси /раҳбари М. Саидаҳмедова/ фаолият кўрсатди. Уларда мактаб ўқувчилари экологиянинг долзарб муаммолари хусусида қизиқарли лавҳаларда маърузалар билан чиқишди. Нуфузли мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари ўқувчиларнинг маърузаларига балли тизим асосида баҳо беришди.

Ҳар шўъбадан биттадан биринчи ўрин, иккинчи ўрин ва учинчи ўринларни олган ўқувчилар маълум бўлди: сирдарёлик Дилфуза Бегимова, Тошкент вилояти вакили Жамшид Неъматов, қашқадарёлик М. Пирназаровалар фахрли биринчи ўринларни эгалладилар. Улар "Экосан" халқаро жамғармасининг фахрий ёрлиғи ҳамда қўл соати билан мукофотландилар. Иккинчи ўринларни олган қорақалпоғистонлик Ж. Юсупова, Э. Мамбетова, наманганлик Б. Неъматов, учинчи ўринларга сазовор бўлган навоийлик Д. Бегматова, жиззахлик З. Тожибоева, бухоролик О. Шароповларга ҳам фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Маърузачилар — ўқувчилар

Қорақалпоғистоннинг шаҳар ҳамда туманларидан 78 ўқувчи, ўндан зиёд педагог-устоз иштирок этди.

Анжуман қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва "Экосан" халкаро жамғармаси номидан профессор Э. О. Турдиқулов, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Отамуротов, Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари экология — табиатшунослик маркази бошлиғининг муовини Ж. Муртозоев, Ўзбекистон фанлар

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ишга янгича ёндашиш жараёни кетмоқда. Халқ таълими ҳам бундан мустасно эмас. Бу борада Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олий билимгоҳида арзигулик ишлар қилинаяпти. Билимгоҳ раҳбариятининг ижодкор ўқитувчиларнинг муаллифлик курсларини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусига жавобан, мамлакат миқёсида илк бор табиий фанлар кафедраси бу ишни амалга оширишга киришди. Кафедра жамоаси физика фанидан муаллифлик курсини ўтказа оладиган бир неча ўқитувчини танладилар. Улар орасида Пискент туманидаги М. Шайхзода номидаги 28-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Тошпўлат Йўлдошев ҳам бор.

Т. Йўлдошев 36 соатга мўлжалланган курс режасини кафедрага тақдим этди. Режа ректорат томонидан тасдиқланди. Унда муаллифнинг республика матбуотида эълон қилинган илмий-методик мақолаларидан амалда фойдаланиш ҳамда ўрта мактаб физика курсининг айрим мавзуларини ўқитиш методикаси ўз аксини топган, классик физика қонунларининг қўлланилиш чегараси, квант механикаси ва замонавий технология, мураккаб масалаларни ечиш методикасига асосий эътибор қаратилган.

Курснинг илк машғулоти муаллиф ишлаётган Пискент тумани ўқитувчилари билан ўтказилди. Машғулотнинг биринчи куни Т. Йўлдошев ўз иш тажрибаси асосида матбуотда эълон қилинган илмий-методик мақолалари хусусида маъруза қилди, тайёрлаган асл нусха кўргазм ли қуролларини намойиш этди. Сўнгра "Режа асосида машғулотларни давом эттирамиз, бироқ сизлар бизни физика курсининг мана бу мавзусини ўтиш методингиз ёки мана бу масалани ечиш услубингиз қизиқтиради десангизлар, талабларингизни баҳоли қудрат ҳал этишга ҳаракат қиламан", — деб тингловчиларни фаоллаштирди. Ўқитувчиларни, айниқса, ёш ўқитувчиларни ўйлантириб юрган муаммолар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Машғулот якунлангач, тест саволлари асосида 10 балли системада курс ҳақида тингловчилар фикри аниқланди. Рейтинг 98 фоизни таш ил этди. Хуллас, муаллифлик курси барчага манзур бўлди. Буни тингловчиларнинг фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин.

О. ОБИДОВ, Пискент туманидаги 6-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси:

— Тошпўлат Йўлдошев билан ишни бир вақтда бошлаганмиз, уни етакчи ўқитувчи сифатида тан олардик. Курс ўтказилгач, физика фанини биз ўйлаганимиздан ҳам чуқурроқ билишига амин бўлдим. Менга, айниқса, газ қонунларига оид график масалаларни, ядро энергиясига оид масалаларни ечиш услуби жуда ёқди.

Н. ТУРҒУНОВ, 27-мактаб ўқитувчиси:

— Мен Тошпўлат ака билан 20 йилдан буён мулоқотдаман. Қўшни мактабларда ишлаймиз. У киши метод бирлашма раҳбари. Йиғилишларда домладан янги нарсаларни ўргандик. Курс, кўпчилик билан ўтказилгани учунми, жуда жонли чиқди. Бу ишнинг ташкилотчилари — туман халқ таълими бўлимига, олийгоҳ раҳбарларига раҳмат. Курс ишини давом эттириш лозим.

М. АБДУРАШИДОВА, 32-мактаб ўқитувчиси:

— Мен учинчи йил ўқитувчилик қилаяпман. Биз ёшлар кўп нарсани билмаймиз, деб юрардик. Курс фикримиз нотўғрилини кўрсатди. Домланинг "Физика тамойилларидан четга чиқмай мулоҳаза қилайлик", — деб мавзуларни оддийгина тушунтириши, ҳатто мураккаб физикавий масалаларни ҳам содда йўллар билан ечиб кўрсатишлари бизда ўз кучимизга ишонч уйғотди. Курс ёшларга жуда фойдали бўлди, унинг мақсадли деб номланиши ҳам бежиз эмас экан.

Р. СУЛТОНҚУЛОВ,
Тошкент вилояти ПХМОИ физика, математика ва информатика кафедраси катта ўқитувчиси.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** мақоладаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, муаллифлик курси ҳаётимиздаги муҳим янгиликлардан бири сифатида бўй кўрсатаяпти. Т. Йўлдошев сингари тажрибали педагоглар юртимизда анчагина. Сирасини айтганда, биз узоқ йиллар мобайнида педагогика соҳасида бошқалардан ўрнак олиб, ўзимизнинг илғор, чинакам фидойи ўқитувчиларимиз меҳнатига етарли баҳо бермадик, уларга эътиборсизлик билан қарадик. Келгусида туман халқ таълими бўлими усулиятчилари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг илғор тажрибаларни оммалаштириш кабинети ходимлари жойларда усулиятчи муаллимлар яратаётган янгиликлардан бизни хабардор қилиб туради, деган умиддамиз.*

ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

САБОҚНИНГ АВВАЛИ

Болаларда илк даврларданоқ ўқиб, ўрганишга қўникма ҳосил этиш уларнинг кейинги руҳий тақомилида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда республикамизда болаларнинг аксарияти мактаб остонасига шу қўникмаси қадам қўймоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун илғор илмий-услубий изланишларни янада такомиллаштириш, миллий анъаналардан оқилона фойдаланиш, ҳамда ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Англия, Франция, Олмония, Италия, Швейцария) нинг таълим тизимидаги самарали усулларни ўрганиш, лозим бўлганда улардан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. "Болаларни мактабга тайёрлаш мезони"нинг ишлаб чиқилиши бу йўлдаги муҳим қадамлардан.

Вилоятимизда бу борада ишлар бошлаб юборилди. Вилоят бўйича 45 минг бола 1-синфга қабул қилинса, шундан 18 минги боғчадан, 27 минги эса оиладан келади. Биз мана шу шарт-шароитдан келиб чиқиб, болаларни мактабга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқдик. Мактабгача тарбия муассасалари қошида шанба ва якшанба кунлари шартнома асосида ишлайдиган тайёрлов гуруҳлари, хонадон боғчалари ҳамда мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳлари, оиладаги юқори синф ўқувчилари, июнь-июль ойларида декрет таътилидан қайтган муаллимлар билан келишилган ҳолда иш олиб бориш бу тизимнинг асосини ташкил қилади.

Тайёрлов гуруҳларида сабоқлар ота-оналар билан тузилажак шартнома асосида, пул тўлаш эвазига олиб борилади. Биз шартнома лойиҳасини ҳам туздик. Шартнома бўйича 1 соатлик сабоқ 2350 сўм-купонни ташкил этади, бутун ўқув даври мобайнида эса 186120 сўм-купон тўланади. Ўқув жараёни дастурсиз, йўналишсиз бўлмайди. Шу боис болаларни мактабга тайёрлашнинг тахминий дастурини ишлаб чиқдик. Дастур мактабгача тарбия муассасалари, уй шароити учун алоҳида-алоҳида тузилган бўлиб, ҳарф ўргатиш ва математика 24 соат, уйда эса 126 соат, ўқиш 78 соат, математика 48 соатни ташкил этади. Янги ўқув йилида шаҳар ва туманлардаги 44 та мактабнинг 1-синфига 3,5 минг болани ҳарф ва саноқни ўргатган ҳолда қабул қилмоқчимиз. Бугунги кунда бутун эътиборимизни ана шу ишга қаратганмиз.

Нозимжон ҚОЗОҚОВ,
Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

МУҚАДДАС БУРЧ

Айни кунда республикамизда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг 70 фоизи оилада тарбияланмоқда. Бинобарин, оилада тарбияланаётган болаларга эътиборни кучайтириб, методик ёрдам кўрсатиш ва уларни турли адабиётлар билан таъминлаш зарур. Шу мақсадда республика ўқув-методика маркази қошида муаллифлар ишчи гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳга кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар, педагог-олимлар, амалиётчилар жалб қилинган. Болаларни мактабгача тарбия муассасаларида тайёрлаш бўйича муаллифлардан К. Қосимованинг "Дастур", Э. Муродов ва Х. Сотиболдиеванинг "Алифбе", А. Суюновнинг "Ёзув машғулотлари учун дидактик материаллар", М. Ғуломовнинг "Хуснихат дафтари", ЎзПФИТИ бошланғич таълим кабинети илмий ходимларининг "Ҳарф ва бўғин кассалари", Х. Эгамовнинг "Ўзинг давом эттир" каби қўлёзмалари чоп этишга тайёрланяпти.

Кўпчилик ота-оналарни "Болани мактабга қандай тайёрлаш ва қизиқтириш мумкин?", "Боланинг яхши ўқишини қандай таъминлаш керак?" деган саволлар қийнайди. С. Охунжонова томонидан тайёрланган "Болаларни оилада мактабга тайёрлаш ҳақида" қўлёзмаси ушбу саволларга жавоб бера олади, деган умиддамиз.

Айни кунларда "Фарзандингиз мактабга тайёрми?", "Болалари мактабга қабул қилинган ота-оналар учун маслаҳатлар", "Илк қувончлар, ташвишлар, муаммолар", "Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига болаларни саводга ўргатишга доир методик маслаҳатлар" мавзуларида Ўзбекистон телевидениеси муҳарририятларида ота-оналар ва тарбиячилар учун кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Мавлуда ИСЛОМОВА,
Республика Ўқув-методика марказининг услубшуноси.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари мустақил Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий-иқтисодий, маънавий ва маданий ўзгаришларга кўра болаларнинг талаб-эҳтиёжи, имконияти, руҳий-жисмоний ривожланишлари ҳамда этник хусусиятларини инобатга олиб, "Болаларни мактабга тайёрлаш мезони"ни тайёрлашди. Мезон Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси мактабгача тарбия концепциясига ва таълим соҳасидаги бошқа ҳужжатларга таянилган ҳолда яратилди. Шу мақсадда газеталарда эълон қилинган мақолалардан фойдаланилди, республика, вилоят ва шаҳар малака ошириш институтлари жамоалари, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мактабгача тарбия мутахассислари, бошланғич синф ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари инобатга олинди.

Мактабгача тарбия мезонини аниқлашда болаларнинг руҳий, жисмоний, ижтимоий ривожланиш даражасига, яъни мунтазам равишда таълим-тарбия топишларига, бу фаолият билан боғлиқ бўлган ақлий меҳнатга тайёргарликларига асосий эътибор қаратилади, болаларнинг ёши, саломатлиги, руҳий ҳолати ҳақидаги маълумотларга таянилади. Лойиҳа тамойиллари мустақил республикамизда яшаётган ёш авлод онгига ота-боболаримиздан бизгача етиб келган тарбия, одоб, билимни сингдиришни назарда тутган. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти мактабгача тарбия бўлимининг мудири, руҳшунослик фанлари номзоди Муҳаббат РАСУЛОВА билан суҳбати шу мезон хусусида бўлди.

— Болаларни мактабга тайёрлаш бугуннинг муҳим вазифаси сифатида ўртага ташланаётганининг сабаблари нималардан иборат?

— Аввало шуни айтишни истардимки, ҳозирги кунда таълим ҳам мазмунан, ҳам шаклан янгиланаётир. Ўзбекистоннинг дунёга чиқиши таълим мезонларини ҳам жаҳон талаблари даражасида ташкил этишни тақозо қилаётир. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда хорижий мамлакатларнинг маориф соҳасидаги тажрибаларини ўрганишга киришилди. Бир қатор мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Япония, Германияда болаларни мактабга тайёрлаш тажрибаси биз — халқ таълими ходимларида катта қизиқиш уйғотди... Қолаверса, биз ўзбекистонликлар учун болалар саводини оилада чиқариш қадим анъана. Энг муҳими, боланинг мактабга маълум бир тайёргарлик билан келиши таълим имкониятларини янада кенгайтиради.

Олти ёшли болаларда жадал сенсор тараққиёт, яъни сезги аъзоларининг интенсив ривожланиши давом этади. Бу ёшдаги болалар билан етти ёшли болалар ўртасида фақат бир йил фарқ бўлишига қарамай, худди шу вақт оралиғида бундан кейинги ғоят жадал тараққиёт, шахсий ўзаро муносабат, мантиқий тафаккур шакллана бошлайди. Шу боис бу масала бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланаётир. Баъзан "Болаларни бир йил олдин болаликдан маҳрум қилишнинг нима ҳожати бор?", "Қаёққа шошилаяпсизлар?" қабилидаги эътирозларни эшитиш мумкин. Бундай фикрлар ноўринлигини ҳаётнинг ўзи исботлаяпти. Ҳақиқий болалик — бу улғайиш жараёни, яъни одамнинг бир сифат ҳолатидан бошқа бир юксакроқ сифат ҳолатига ўтиш давридир. Бола бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Улғайиш жараёнини тугатиш боланинг ихтиёрида эмас, олти ёшли болага билимли, тажрибали катталар ёрдам беришлари, ўргатишлари лозим. Болаларни фақат совға бериш ёки сайр орқали хурсанд қиламиз деб ўйлаш ноўриндир. Уларни ҳикоя ўқишга ёки теварак-атрофдаги воқеликни билишга ўргатсак, келажаклари билан тўқнаш келгандек хурсанд бўладилар. Болаларнинг ўсаётган кучларига мос равишда улғайишига ёрдам бериш — унинг болалик даврини янада қувноқ, қизиқарли, ҳис-ҳаяжонларга бой қилишдан иборатдир.

Руҳшуносларнинг олти ёшли болаларни ўқитишда ўйин усулларидан фойдаланиш самарали эканлигини ҳар томонлама илмий асослаб берганлар. Ўйиннинг руҳий моҳияти шундан иборатки, болалар эркин танлаш имкониятига эга бўладилар. Бола ўйинни ўзи танлайди ва зериккунча ўйнайди. Агар таълим жараёнида бола худди ўйин жараёнидаги каби кечинмаларга бой бўлса, бунинг нимаси ёмон?

Бунда биз ўйин воситаси орқали ўқитиш ҳақида эмас, балки болаларнинг истаклари билан, яъни эркин танлаш билан боғлиқ бўлган таълим ҳақида гапиришимиз мумкин. Шунинг учун биз ўйин тахлитидаги таълим ҳақида эмас, балки болаларнинг имкониятлари билан боғлиқ таълим ҳақида ўйлаяпмиз. Токи, бола ўйиндан мамнун бўлгани каби, олаётган таълимидан ҳам хурсанд бўлсин. Биз — тарбиячилар, ота-оналар ва ўқитувчилар болада шундай мамнунлик ҳиссини туғдиришимиз лозим. Бу болаларни мактабга тайёрлашнинг асосларидан биридир.

Бола саводхон бўлиши учун китобни равон ўқиши, ўқиганларини тушуниши, тасаввурларини ва қузатиш натижаларини сўз орқали ҳамда ёзувда ифодалай олиши ҳам керак. Олти ёшли боланинг ўқиш, ёзиш, оддий ҳисоблаш малакаларини эгаллаши — унинг ҳозирги замон даражасидаги янги билимларни ўзлаштиришида асқотадиган асосий воситаларидир.

Ота-оналар, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари олти ёшли болалар учун қийин бўлган мактабга мослашиш даврини енгиллаштиришдан иборат. Бунинг учун даставвал уй шароитида, боғчада, мактабда тинч, осойишта шароит яратиш керак.

— Мактабгача тарбия тизимини оилавий тарбиядан узмай, ҳамкорликда иш тутгандагина болага ёрдам бериш мумкин, тўғрими?

— Таълим-тарбия бола учун махсус уюштирилган фаолият тарзида эмас, балки ўйин, меҳнат, боланинг табиий фаоллиги тарзида берилиши, унинг ички имкониятларини ривожлантириш учун ташқи таъсир этувчи омил бўлиши лозим. Мактабгача таълим меъёри ёш, минтақавий ва жисмоний таълим даражасининг қуйи чегарасини ва унинг зарурий томонларини белгилаб беради.

Оиладаги илк тарбия боланинг умумий ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Болалар умуминсоний қадриятларни, одоб-ахлоқни ўзи яшаётган ижтимоий жамоада асрлар бўйи таркиб топган анъана, тафаккур, турмуш, маданият орқали ўзлаштирадилар. Мезон ана шу талабларни чуқур қамраб олган. Ўзбекистонда 31 фоиз бола мактабгача тарбия масканларида таълим-тарбия олса, 69 фоизи оила қучоғида. Бинобарин, болани мактабга тайёрлаш вазифаси асосан ота-оналар зиммасига тушади. Таассуфки, уларнинг аксарияти бундай масъулиятли вазифани бажаришга тайёр эмас, тарбияшосликка, руҳшосликка ва услубий маслаҳатларга муҳтождир.

Ота-оналар билан ўтказилган 3567 дан ортиқ суҳбат, анкета саволларига олинган жавоблар шуни кўрсатдики, кичкинтойларни мактабга тайёрлаш оила зиммасида бўлса, биринчидан, бола учун табиий муомала муносабатлари ва қулай шароит вужудга келади, иккинчидан, ота-она боласининг феъл-атворини, ўзига хос хусусиятларини яхши билган ҳолда иш тутади, унинг тўғри хатти-ҳаракатларини маъқуллаб, хато-камчиликларини тузатишга кўмаклашади, болаларини ўқишга, ёзишга ўргатишлари осонлашади. Оила шароитида бола эркин фикр юритади, ўқишга, ёзишга қизиқиши мустаҳкамланади.

— Муҳаббат опа, "Болаларни мактабга тайёрлаш мезони" қандай талаб ва вазифаларни кўзда тутади?

— Аввало, ота-она ўғил-қизларини Ватанга муҳаббат, атроф-муҳитга, ўз тилига чуқур ҳурмат билан қараш руҳида тарбияламоғи, шунингдек, уларнинг нутқ маданияти ривожланишига, тасаввур ва тафаккурнинг ўсишига яқиндан ёрдам бермоғи лозим.

Бола руҳиятини яхши билиш барча ишларни осон ҳал этишга имкон беради. Ўғил-қизлардаги беғубор туйғуларни пайқаш, унга муомала қилишнинг, муносабатда бўлишнинг осон, қулай, қизиқарли ва фойдали усулларини топиш, уни ҳаётга кенг жорий этиш, хуллас, бола фаолияти ўйғун тараққий этиши учун нимаики зарур бўлса, барчасини амалга оширмоқ даркор.

Мезонга биноан, болани мактабга тайёрлаш босқичма-босқич амалга оширилади: биринчи босқичда мутахассис шифокорлар боланинг саломатлигини текширадилар. Иккинчи босқичда бошланғич синф ўқитувчилари боланинг ақлий-руҳий қобилиятини мактаб шифокори иштирокида махсус назорат топшириғи (тестлар) ёрдамида аниқлайдилар.

Болаларнинг соғлиғини аниқлаш май-июль ойларида амалга оширилади. Текшириш ўтказиш учун педиатр, жарроҳ-ортопед, бурун-қулоқ, кўз, тиш, руҳий ва асаб касалликлари мутахассисларидан иборат гуруҳ тузилади. Болалар уюшган ҳолда комбинатларда, поликлиникаларда тиббий кўрикдан ўтадилар. Юқорида санаб ўтилган мутахассисликлар бўйича шифокор бўлмаган қишлоқ жойларда махсус график асосида кўчма тиббий гуруҳ ташкил этилади.

Иккинчи босқичда йўналиш берувчи диагностика тести сифатида Ирасек модификация қилган Керн тести (монометри тест) дан фойдаланилади. Бу усул талаффуздаги камчиликларни аниқлашдаги назорат синовида ҳам қўлланилади.

Керн-Ирасек тести уч топшириқдан, яъни одам шаклини чизиш, уч сўздан иборат иборани "ёзиш", бешбурчак шаклида жойлашган бир гуруҳ нуқталарни чизишдан иборат.

Бу топшириқларнинг бола томонидан бажарилиши унинг руҳий ривожланишининг умумий даражаси ҳақида тасаввур беради: нутқ органлари ривожининг даражаси, тушунчаларни қабул қилиш, шу пайтдаги сезиш аъзолари ҳолати, унинг предметларни англаш, фикрлаш, мақсадга йўналтирилган фаолият ва ижтимоий ривожланиш даражаси аниқлаб олинади. Бундан ташқари, топшириқда шундай унсурлар борки, бола улар билан навбатдаги ўқув-тарбиявий жараёнда танишишига тўғри келади.

— Муҳаббат Расуловна, сиз маълум маънода мезон моҳиятини сўзлаб бердингиз. Энди шу ўринда табиий бир савол туғилади: болалар мактабга қаерларда ва қандай тайёрланади. Дастур ва режалар ҳам ишлаб чиқилганми?

Ўғил-қизлар оила шароитида, мактабгача тарбия муассасаларида, хусусий ва хонадон боғчаларида, мактаб тайёрлов гуруҳларида, боғчалар қошидаги шанба, якшанба кунлари ишлайдиган тайёрлов гуруҳларида, болалар саройларида, маҳаллаларда, ота-оналар ёллаган ўқитувчилар ёрдамида мактабга тайёрланади.

Кўриниб турибдики, ўғил-қизлар турли шароитларда савод чиқарадилар. Бу, шубҳасиз, бир хил талаб ва мезонга асосланган ҳар хил дастурлар, ўқув режалари, қўлланмалар яратишни тақозо этади. Шуларни ҳисобга олиб, "Фарзандингиз мактабга тайёрми?" деб номланган тушунтириш хати, дастур ва ўқув режаси яратилди. Амалдаги зарур қўлланмалар, методик тавсияномалар, болаларда мантиқий тафаккурни ўстиришга қаратилган турли мултфильмлар мажмуи ҳам илк сабоқ чиқаришда қўл келишига шубҳа йўқ. Шунингдек, алифбони ўргатиш, нутқ ўстириш каби фаолиятларга оид машғулотлар ишланмалари ҳам бор. Айни пайтда ота-оналар учун "Оила алифбоси" тайёрланаётир. Шу билан бирга ёрдамчи воситалар, услубий адабиётлар, матбуот мақолаларидан ҳамда "Ота-оналар, сизлар учун", "Болаларни мактабга тайёрлаш" каби манба ва телекўрсатувлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Хуллас, шу усул ва йўллар орқали таълимдаги узлуксизлик таъминланади.

БОЛА — БОШДАН, ЎҒЛОН — ЁШДАН

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Маориф муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш борасида тажрибасиновлар, изланишлар олиб борилаяпти, анъаналар тикланмоқда. Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Республика Педагогика фанлари илмий-текшириш институти аспирантлари Д. Ҳўжаева, З. Бобомуродов, Г. Асилова ва бошқалар "Мактабга ўғил-қизларингизни қандай тайёрлаяпсиз?" мавзуида ота-оналар фикри билан қизиқишди.

Барот ЯРАШЕВ, Қори- Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими:

— Мактабга илк қадам қўяётган ўғлим ёки қизим ҳақида ўйласам, боболаримиз босиб ўтган муқаддас йўл — шарқона яшаш тарзимиз кўз ўнгимга келади. Улардан бизга мерос қолган урф-одатлар, удум ва анъаналар, имон-эътиқод ва шарм-ҳаё, аҳд ва вафо, севги ва садоқат, меҳр-шафқат ва адолат, тўғрисўзлик ва ҳалоллик, камтарлик ва меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар миллий маданият ва миллий қадриятлар силсиласида кўз ўнгимда жонланади. Ўғлим ва қизимни ана шу бой маданий меросимизга садоқатли, жасур ва жасоратли, маънавий баркамол фарзандлар қилиб вояга етказиш, яъни тарбиялаш учун уларнинг қалбида ота-она, она-Ватан ва унинг табиатига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбиялаш лозим. Бу жараённинг илк куртаклари болалар ясли ва болалар боғчаларига боргунга қадар, яъни оила қучоғида намоён бўлиши зарур. Жумладан, бола мактабга қадар "Алифбе"даги ҳарфларни ёза олиш қобилиятига эга бўлса, бу таълим-тарбияга оид навбатдаги ишларни осонлаштиради.

Нодира ОРИПОВА — икки фарзанднинг онаси, ТДПИ ўқитувчиси:

— Энг аввало мен, болаларим соғлигига эътибор бераман, кейин ҳарфларни танитиш, саноқ сонларни ўргатиш, сайр қилиш, баъзи-баъзида болалар театрига (байрам кунлари) олиб бориш, расм чизиш, шеърлар ёдлатиш каби машғулотларни олиб бораман. Бу ишлар жуда кўп вақтни олади, албатта.

Тарбия юзасидан олиб бориладиган ишлар вақт нуқтаи назаридан енгил. Чунки тарбиявий ишларнинг кўпчилик қисми кундалик ҳаётимизда, (ўтириш, туриш, овқатланиш, дам олиш, кийиниш) бир-биримизга муомала жараёнида олиб борилади.

Бугунги ҳаёт анча мураккаб. Аммо, қанча бўлмасин, болаларимнинг дам олиши, соғлиғини асраш, уни тўғри ташкил этиш, мактабга тайёрлаш учун имконият қидираман. Бироқ болаларимни мактабга тайёрлаш давр талаби даражасида дея олмайман. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Масалан, болани мактабга тайёрлашга асосланадиган, аниқроғи, ўқишга тайёрлашга оид дастур ёки тавсиялар ҳозирча йўқ. Шунинг учун бу ишни ҳар бир оила ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда олиб боргани маъқул.

Муртоз БОБОМУРОТОВ — тўрт фарзанднинг отаси, тижоратчи;

Болаларни мактабга тайёрлаш деганда мен болаларга мактаб формаси, дафтар, қалам олиб беришни тушунаман. Ўқитиш — бу ўқитувчиларнинг иши. Болани оиладан бошлаб мактабга, яъни ўқишга тайёрлаш, бу албатта яхши иш. Лекин бизнинг бугунги шароитда бу юмушни она бажариши мумкин, аммо оналаримиз шунчалик бандларки, буни уддалай олишлари мушкул.

Ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш, яъни ўқитиш қийин. Чет элларда бу иш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг шароити билан бизнинг шароит мутлақо тенг эмас. У ерда имконияти бўлмаганлар катта-катта пулга бу вазифани бажарувчиларни ёллаши мумкин. Яъни, бу ишни мутахассислар олиб боради. Бизда бунинг учун мутахассислар етарли эмас, етарли бўлганда ҳам бу нарсалар йўлга қўйилмаган. Эй, нимасини айтасиз, ҳали боғчадаги олий маълумотли мутахассис опаларимиз бу ишни амалга ошира олганлари йўқ-ку, болаларнинг онасига йўл бўлсин.

Жойларда боғчалар етишмайди, демак, болаларни ўқишга тайёрлаш бизнинг шароитда қониқарсиз. Шунинг учун қишлоқ шароитида (пуллик бўлса ҳам) оила боғчалар ташкил этилса, улар мутахассислар билан таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Марзия МАННОПОВА — беш нафар фарзанднинг онаси, ишчи:

— Болаларни ўқишга тайёрлаш жуда қийин масала. Ҳозирги шароитда уларни кийинтириш, соғлиғини асрашнинг ўзи катта иш. Ўқишга келсак, ўзингизга маълум, бойваччароқ кишилар уйларига ўқитувчи олиб, болаларини ўқишга тайёрлашяпти. Бунга бизнинг қурбимиз етмайди. Қолаверса, бу ишни боғча опалар эплай олишмаётганини айтиб ўтиш жоиз. Биздек ишчи оналарга бу иш жуда оғир. Ўзингизга яхши маълум, уйда болаларни ўқишга тайёрлашга оид ҳеч нарса йўқ. Қолганини ўзимизнинг имкониятларимиздан келиб чиқиб амалга ошираяпмиз. Уларга хона ажратиб берганмиз, унда болаларнинг ёшига мос китоблар, ўйинчоқлар бор. Музика эшитишлари учун магнитофон, телевизор ажратиб берганмиз. Лекин мутахассисларсиз масала ҳал бўлиши қийин.

Доно ХЎЖАЕВА, аспирант:

— Педагоглар оиласида туғилганман. Бувам — Ғиёсқори Мусаев ҳам республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи эдилар. Биз — оиладаги 4 опа-ука илк сабоқни бувамиздан олганмиз. Мактабга чиққанимизда тўрталамиз ҳам ўқиш-ёзишни билар эдик.

Мен ҳам шу оилавий анъанани давом эттириб, болаларимга ўқиш-ёзишни ўзим ўргатганман. Қизим Маҳбуба — 110-мактабнинг 1-синфида аъло баҳоларга ўқимоқда. Ўғлим Илҳом эса 5 ёшда. У 398-болалар боғчасида тарбияланаётир. Илҳом "Алифбе"ни равон ўқийди, ёзишни, санашни, қўшишни, айиришни билади. Ҳозир боғчада инглиз тилини ўрганиш бўйича очилган махсус гуруҳда таҳсил олаяпти. Инглизчада шеър ёдлашни, санашни, оиласи, дўстлари ҳақида гапириб беришни билади. Бунга қандай эришилди?

Мен оилада болаларимнинг жисмоний жиҳатдан ўсишларига қанчалик эътибор берсам, уларнинг ақлий ва ахлоқий камолотлари тўғрисида ҳам шунчалик қайғураман. Фарзандларим билан ўтказиладиган суҳбатларда уларнинг идроклари, диққатлари, тасаввур ва хотиралари, иродавий сифатларини муттасил равишда ривожлантириб боришга ҳаракат қиламан.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларни мактабдаги ўқиш жараёнига тайёрлашда уларнинг нутқини ўстириш жуда зарурий шартлардандир. Шунинг учун мен болаларимни мактаб жараёнига тайёрлашда уларнинг сўз бойликларини орттиришга, тўғри талаффуз қилишларига ва тўла ҳамда тўғри жумла туза олишларига алоҳида аҳамият бераман.

Бола мактабга кирмасдан анча илгариёқ унда мактаб ҳаётига ҳурмат билан қараш ҳисси ўстирилган бўлиши, унинг мактабга боргиси келиши, мактаб тўғрисида ўйлаши жуда ҳам муҳимдир. Бола олдинданоқ мактаб тўғрисида тушунча ҳосил қилган бўлса ва унда ўқиш муҳим, фойдали, қизиқарли, одамни ўзига тортадиган зарур бир нарса деган фикр яратилган бўлса, унинг янги шароитга ўрганиб кетиши осон бўлади. Мактабда боладан қилинадиган талаб ва тартибларга риоя қилишга тезда ўрганиб кетади, ўзининг янги вазифаларига жиддий қарайдиган бўлади. Мактабга бундай муносабатда бўлиш ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Бундай муносабат оила томонидан болада мактабга кирмасдан олдинданоқ шакллантирилган бўлиши керак.

•

Жамоатчи мухбирларимиз ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш муаммосига ота-оналарнинг муносабатини билиш мақсадида бир неча хонадонда ҳам бўлишди.

Чилонзор туманидаги 8 мавзеъ 22-уй 53-хонадонда истиқомат қилувчи Раъно Абдусаломова 84-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Икки ўғли бор. Тошпўлат 6 ёшда, Ойбек 4 ёшда. Ҳар иккаласи ҳам болалар боғчасида тарбияланади. Онаси болалари боғчадан қайтгач, у ерда улар билан қандай машғулот олиб борилгани, нималарни ўрганишгани ҳақида батафсил суҳбатлашар экан. Ўрганган эртакларини қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатар, шеър ёдлатар, шу йўл билан уларнинг нутқини ўстиришга ҳаракат қилар экан. Лекин болаларига ҳарф танитишга шошилмас экан. Чунки бола ҳозирдан ўқишни билса, кейин мактабда зерикиб қолади, бу эса боладаги ўқишга қизиқишнинг сусайиб кетишига олиб келади, деб ҳисоблар экан.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи уй бекаси Мавжуда Қосимҳўжаева, Миробод туманида яшовчи Дилфуза Набиева ҳам таълим асоси оилада қўйилиши, шундагина боланинг саводхонлик даражаси юқори бўлиши ҳақида таҳлилий фикр юритдилар.

Шундай қилиб, болани саводхонликка ўргатиш у мактабга бормасдан анча илгари бошланиши керак, бунда ота-оналар ўз вақтларини, билим ва кучларини аямасликлари, сабот билан иш юритишлари талаб қилинади. Ота-оналарнинг мактабгача бола тарбиясига сарф қилган меҳнатлари кейинчалик ўз фарзандларининг мактабда муваффақият билан ўқиб кетишларини таъминлайди.

Ҳарф ўрганиб, савод чиқариб.

Мутахассис мулоҳазалари

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ УЙҒУНЛАШТИРИБ

Ўзбек оиласида болалар мактабгача тарбияни ўз оиласида, бир қисми эса болалар боғчасида оляпти. Шундай бўлгач, болаларни мактабга тайёрлаш турли хил вазиятда амалга ошириляпти. Бу муҳим ишда маълум меъёрларга эришиш учун болаларни оилада ҳамда болалар боғчасида тайёрлаш учун дастур ҳамда ота-оналар учун қўлланмалар яратиш зарур.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жисмонан соғлом бўлиши ҳақида ўйлаши билан бир қаторда унинг ақлан ривожланишига ҳам масъулдир. Афсуски, баъзи ота-оналар бу ишга ҳамма вақт ҳам эътибор беравермайдилар.

Болани мактабга тайёрлашда аввало ёш болаларнинг ёшига мос сўзларни аниқ ва тўғри айтишини талаб қилиш ва шунга ўргатиш зарур. Бола бирор нарсани сўраганда унга тушунарли сўзлар билан жавоб қайтариш керак "Буни сўрама, ёмон бўлади ёки уят бўлади" каби жавоблар боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ота-она оилада вақт ажратиб, болаларига уларнинг ёшига мос китобларни овоз чиқариб ўқиб бермоғи даркор.

Республика радиоси ва телевидениеси кичкинтойлар учун мунтазам равишда эшиттиришлар ва кўрсатувлар бериб боради. Оилада болаларнинг уларни эшитиб, кўриб боришига эътибор бериш керак.

Ота-оналар ўз фарзандига жуда бўлмаганда 20 гача санашни ўргатиши, оз ва кўп, катта ва кичик, яхши ва ёмон каби тушунчаларни аниқ фарқлашни тушунтириши ўринли бўлади. Хуллас, болани уйда мактабга тарбиялашда маълум меъёрларнинг белгиланиши ва унинг ҳаётга жорий қилиниши мактаб таълими савиясини кўтаришга имкон беради.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

• Соғлом авлод учун •

САДОҚАТ

Оқил Умаров Жиззахдаги Ҳамроқул Носиров номидаги 16-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Бугунги кунда тажрибали муаллимнинг ибратли ишлари шаҳардагина эмас, вилоятда ҳам маълум.

Спорт — Оқил аканинг жони-дили. У жисмоний тарбияни ривожлантириш учун туну кун изланди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи ёнидаги ташландиқ ерни волейбол майдончасига айлантирди. Атрофига бир гуруҳ ёшларни жалб этиб, доимий машғулотлар олиб борди. Шаҳар ва вилоят бўйича мусобақалар ўтказди. Бу ерга ёшлар ўз хоҳишлари билан келишди. Маҳаллий "Пахтакор" жамоаси таркибида бир вақтлар майдонга чиққан Мунаввар Баҳодиров, Нуриддин Норхўжаев, Шавкат Бобоев, Эркин Йўлчибоев, Тўлқин Йўлчибоев, Майор Шарипов, Неъмат Охунбобоев, Арслон Жабборов каби спортчилар муваффақиятида устоз Оқил аканинг ҳам хизматлари катта. Ўша кезларда спорт масканида ўтказиладиган ҳар бир мусобақа томошага айланарди. О.Умаров жисмоний тарбия ўқитувчисигина эмас, футбол бўйича ҳам ёшларга мураббий. Бундан бир неча йил мукаддам у "Москва" (ҳозирги Ҳ.Носиров номидаги) жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи мактаб ўқувчиларидан "Ёшлик" футбол жамоаси тузиб, уларга мураббийлик қилишни ўз бўйнига олди. Умидли ёшларга футбол сирларини ўргатди. Ёш футболчилар жамоаси шаҳар, вилоят, ҳатто республика бўйича "Умид", "Ёшлик", "Чарм тўп" мусобақаларида қатнашди.

— Оқилжон билан кўп йиллардан буён бирга меҳнат қиламиз, — дейди 16-мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Турсунбой Холматов. — Унда болаларни спортга жалб этиш иштиёқи кучли. Шу боис у тарбиялаган йигит ва қизлар шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фақат фахрли ўринларни эгаллаб келишаётир.

— Устозим ҳақида гап кетганда фақат илиқ сўзларни айтаман, — дейди Жиззах педагогика институтининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Фарҳод Одилов. — Ҳозирги пайтда Оқил аканинг 50 дан зиёд издошлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда фидойилик кўрсатишаяпти. Бахтиёр Эшонқулов Жиззах политехника институтида, Убайдулла Абдуллаев, Абдуқаҳҳор Абдужабборов, Шукур Ҳакимов, Суннат Рихсиев индустриал техникумда ёшларни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашмоқда. Домланинг шогирдларидан бири А.Абдужабборов яқинда иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Бир вақтлар О.Умаровнинг қўлида таҳсил олган ака-ука Аброр ва Асқар Мухторовлар бугунги кунда шашка бўйича спорт устаси. Уларнинг бири — жарроҳ, иккинчиси — фабрика ишчиси. Тиббиёт ҳамшираси Клара Ёрбобоева ҳам спорт устаси. Қишлоқ хўжалиги техникуми раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тоҳир Ҳамроқулов ҳам спорт усталигига номзод. Шунингдек, ҳайдовчи Эркин Носиров, шифокор Тошпўлат Абдужабборов, ўқитувчи Неъмат Ҳошимовлар спорт усталигига номзод бўлишгани учун устоздан бир умр миннатдордирлар.

О.Умаровнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳоланган. У 1978 йили Ўзбекистон халқ таълими аълочиси бўлган. 1984 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1990 йилдан буён услубшунос ўқитувчи бўлиш билан бирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фахрий спортчи унвонига сазовордир.

О.Умаровнинг мактабдаги иш хонаси бамисоли музейни эслатади. Бу ерда ўтган даврдаги барча беллашувларга гувоҳлик берувчи суратли лавҳалар, альбомлар, эсдаликлар, фахрий ёрлиқлар, биллур совринлар, спорт китоблари ўрин олган. Буларнинг ҳаммаси касбига садоқатли ижодкор муаллимнинг кўп йиллик меҳнати самараларидир.

Ф.ҲАМЗАЕВ.
И.УСМОНОВ.

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БАҲСИ

Республикамизнинг кўплаб мактабларидан ташқари, болалар муассасаларида ҳам авиамоделчилар тўгараклари ишлаб турибди. Анъанага кўра ҳар йили вилоят ва республика миқёсида авиамоделчилар мусобақалари бўлиб ўтади. Тошкент шаҳридаги "Старт" стадионида 5 кун мобайнида самолётларнинг кордали моделлари бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ҳаво жанги, тезкорлик, планёр моделлари парвози, самолёт нусхалари моделлари ҳамда пойгачи моделлар бўйича ўзаро беллашишди.

Вилоятлар ўртасида бўлиб ўтган умумкоманда мусобақаларида пойтахт авиамоделчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Самарқандлик авиамоделчилар иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринларни эгаллашди.

Суратларда: 1. (чапдан) Фарғона командаси раҳбари Алишер Мирзаев мусобақа қатнашчилари билан. 2. Мусобақа иштирокчилари ўз моделларини парвозга шайлашаётир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ФАХРИЙЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Республика Ўқитувчилар уйи қошидаги фахрий педагоглар жамоаси аъзоларидан бир гуруҳи Фарғона вилояти бўйлаб уч кунлик сафарда бўлишди. Улар дастлаб Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига ташриф буюриб, бу ерда фахрий педагоглар ўртасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Шаҳар фахрий педагоглар жамоаси раиси, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Абдурашид Мақсудов 550 га яқин кекса муаллимдан ташкил топган кенгаш фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Меҳмонлар шаҳардаги 12 ва 17-болалар уйида ҳам бўлишди. Сафарнинг иккинчи куни Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг педагогларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармонлари вилоятда қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдилар.

Сафар ниҳоясида Шоҳимардонни зиёрат қилишди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.

А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА:

– Ижтимоий психология – 1 ўрин;
– Педагогик ва ёш психологияси – 2 ўрин;
– Махсус психология – 1 ўрин.

2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА:

– Ижтимоий психология – 1 ўрин;
– Педагогик ва ёш психологияси – 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг аспирантура бўлимига (тел. 46-66-98), илмий-услубий ишлар бўйича проректорга (тел. 46-06-68) мурожаат этиш мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри-95, Саидов кўчаси 6-уй.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Муқаддасхон АБДУҚОДИР қизи!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр, бахту иқбол тилаймиз. Педагогик фаолиятингизда улкан зафарларга эришинг.

Бахтимизга омон бўлинг.

Оиламиз номидан умр йўлдошингиз ТОЛИБЖОНОВ Ҳусан Муҳаммаджон ўғли.

Ҳурматли РАҲМОН МАВЛОНОВ!

Сиз кўп йиллардан буён туманимиз физика ўқитувчилари орасида ўз тажрибаларингиз, ижодкорлигингиз билан устоз деган номга мушарраф бўлиб келаяпсиз.

Таваллудингизнинг 60 йиллигини нишонлаётган ушбу кунларингизда Сизга бардамлик, узоқ умр, оилангизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.

Нарпай тумани халқ таълими бўлими ҳамда 17-мактаб жамоаси.

Тошкент шаҳридаги 104-мактабда 25 йилдан буён математика фани муаллимаси бўлиб фаолият кўрсатиб келаётган қадрли опажоним Нафисахон ИСМОИЛОВАни таваллуд топган кунлари билан табриклаймиз. Унга узоқ умр, соғлик-саломатлик ва ўқитувчилик касбини шарафлашдек эзгу ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Чуқур эҳтиром билан синглингиз Мўътабар ва унинг оила аъзолари.

Ҳурматли Мадат ЖУМАЕВ!

Сиз Навбаҳор туманидаги Зебуннисо номидаги 18-ўрта мактабда ёшларга тарбия ва таълим беришда сидқидилдан меҳнат қилиб келаётирсиз. Туғилган кунингиз муносабати билан улкан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамиша Сизга ҳамроҳ бўлиб қолишини тилаймиз.

Дўстларингиз: Абдусалом, Абдушукур, Абдуҳаким, Бурхон, Нодир, Тоштемир, Қутлибек, Фазлиддин.

Ҳурматли устоз Ҳадиятилла ШОМИРЗАЕВ!

Сизни қутлуғ айём — таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклайман. Муборак 60 ёшга тўлиб, меҳнат муҳофазаси фанини юқори чўққиларга кўтариб, ёшларга таълим-тарбия бериш, етук муҳандис-мутахассислар тайёрлаб, миллат келажаги, республикамиз истиқлоли ривожига муносиб улушингизни қўшиб келаётирсиз.

Сизга мустаҳкам соғлик ва оилавий хотиржамлик тилайман. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди Ў. ЙЎЛДОШЕВ.

МАКТАБЛАРГА ҲАМЮРТЛАР НОМИ БЕРИЛДИ

Марҳамат тумани ва шаҳри ҳокимликлари атамалар қўмитаси ҳамда шаҳар ва қишлоқ кенгаши йиғинлари қошидаги жой номлари комиссиялари кўпгина меҳнат жамоалари ва фуқаролардан тушган аризалар, таклифлар ҳамда истакларни ўрганиб чиқди. Бир қатор мактаблар, маҳаллалар, ташкилот ва жамоа хўжаликларига ҳамюртларимиз номларини бериш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Шунга кўра аввалги Калинин номидаги 14-мактабга Чўлпон, Жданов номидаги 13-мактабга Усмон Юсупов, К. Маркс номидаги 12-мактабга ушбу илм масканига узоқ йиллар директорлик қилган Ҳомиджон Исоқов номи, Ленин номидаги 18-мактабга шу мактабда 40 йилдан ортиқ муаллимлик қилган Орзихон Ўринбоева номи, Пушкин номидаги 5- мактабга шу даргоҳда ўқиб, кейинчалик Меҳнат Қаҳрамони бўлган Мўттихон Жумабоева номи, Ильич номидаги 28-мактабга унинг собиқ ўқувчиси, туман ҳалқ таълими бўлимининг мудири лавозимида узоқ йиллар ишлаган Қурбонбой Валиев номи, Менделеев номидаги 29-мактабга турли раҳбарлик лавозимларда ишлаган Маҳмуд Зокиров номи берилди.

А. ЭРАЛИЕВ,
Марҳамат тумани ёш табиатшунослар маскани директорининг ўринбосари.

ЯНГИ КИТОБЛАР

"Ўқитувчи" нашриёти яқинда қуйидаги китобларни чоп этди:

"ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ"

А. Ф. Антоновнинг ушбу қўлланмасида ўқувчилар меҳнат таълимини бошқаришнинг асосий масалалари мазмуни ёритилган. Педагогик таҳлил, меҳнат таълимини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини меъёрлаштириш, баҳолаш ва ҳоказолар ифодаланган.

Қўлланма ўқитувчи ва методистларга мўлжалланган. Ундан ўқув ишлаб чиқариш комбинатларининг усталари ҳам фойдаланишлари мумкин.

"ЎРТА ОСИЁ ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ТАРИХИ"

Мазкур қўлланмада (муаллифи М. Расулов) милоддан олдинги ва Аристотель замонидан кейинги даврларда Ўрта Осиёда табиатшунослик фанларининг тарихий ривожланиш жараёнлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари, ўқувчилари учун мўлжалланган бу қўлланма олий ўқув юртларининг талабаларига ҳам асқотиши мумкин.

"ГИДРОТЕХНИКАДАН РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ"

Қишлоқ хўжалик гидротехникаси мелиорацияларига асосий атамалар ва таърифларга бағишланган ушбу луғат (муаллифлари Ф. М. Раҳимбоев, Х. Э. Азимхўжаев) гидромелиоратив системаларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш юзасидан ўзимизда ва чет элларда тўпланган кўп йиллик тажрибалар асосида тузилган. Китобчадан тахминан 2900 атама ва таърифлар жой олган. У сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, илмий ходимларга, лойиҳачиларга, олий ўқув юртларининг талабаларига, ушбу соҳага қизиқувчиларга доимий ҳамроҳ бўла олади.

"КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ КУРСИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ"

В. Мирбобоев, Э. Умаров, М. Ахмадхўжаева муаллифлигида босмадан чиққан мазкур методик қўлланма "Конструкцион материаллар технологияси" фанидан ўттиз битта лаборатория ишини ўз ичига олади. Ҳар бир лаборатория ишидан мақсад, қисқа назарий маълумот, ишни бажаришда фойдаланиладиган асбоб-жиҳозлар, лаборатория ишини ўтказиш тартиби, шунингдек, бажарилган ишлар юзасидан сўраладиган асосий саволлар келтирилган.

"ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА МАКТАБ РАҲБАРЛАРИНИНГ РОЛИ"

Қўлланмада муаллиф К. Зарипов халқ таълимини қайта қуриш ва узлуксиз таълим тизимини яратиш шароитида педагоглар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш масалалари, бу борада мактаб жамоаси амалга оширадиган ишлар аниқ маълумотлар асосида ифодаланган. Шунингдек, ўқувчилар малакасини оширишни қайта қуриш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳақида ҳам фикр юритилган.

"КЎҲНА ҚАЛЪАЛАР ДИЁРИ"

Асарда (муаллиф Т. Қиличев) қадимий Хоразм (ҳозирги Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний туманлари) заминида антик ва ўрта асрлар даврида қурилган кўҳна қалъалар, янги шаҳарлар тарихи ҳикоя қилинади. Муаллиф ўзи тўплаган тарихий маълумотлар, археология, этнография, санъатшунослик, фольклорга оид тадқиқотлар асосида қадимги ипак йўли ўтган қалъалар ва улар билан ёнма-ён қурилган янги шаҳарлар ҳақида қисқа ва қизиқарли тарихий маълумотлар беришга интилган.

"ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН МАШИНА — ТРАКТОР ПАРКИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ҚЎЛЛАНМА"

Қўлланмада (муаллиф Б. К. Касенов) машина-трактор паркидан фойдаланиш йўл-йўриқлари, тартиб-қоидалари баён этилган, машиналарни чиниқтириш, даврий техник кўздан кечириш, тузатиш, сақлаш хусусида сўз юритилган.

Қўлланма ўрта ҳунар-техника билим юртларида "Машина-трактор паркидан фойдаланиш" курсини ўрганишга мўлжалланган. Ундан ишлаб чиқаришда ишчиларга касб-кор таълими беришда ҳам фойдаланиш мумкин.

М. МУРАТОВА.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ ТЕХНИКУМИ 1994-95 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум оммавий кутубхона ходимлари ва маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси, чолғу асбоблари ансамбли раҳбари, ҳаваскорлик рақс жамоаси раҳбари, клуб тадбирлари режиссёри, анъанавий ҳаваскор қўшиқчилик ансамбли раҳбари, пуфлаб чалинадиган ансамбл оркестри раҳбари, рассом-безатувчи каби ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлайди.

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА:

Ўқиш муддати: (ўрта маълумотлилар учун) маданий-маърифий иш ва ҳаваскорлик ижодиёти гуруҳи – 2 йилу 10 ой (ўзбек тилида), кутубхона ходимлари бўлими – 1 йилу 10 ой (ўзбек ва рус тилида), тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун: маданий-маърифий иш ва ҳаваскорлик ижодиёти гуруҳи – 3 йилу 10 ой (ўзбек тилида).

СИРТҚИ БЎЛИМДА:

Ўқиш муддати: кутубхона гуруҳи – 1 йилу 10 ой (ўзбек ва рус тилида), клуб тадбирлари режиссёри, ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари ансамбли раҳбари гуруҳида – 3 йилу 4 ой (ўзбек тилида), кино, фото тўгараклари раҳбари гуруҳида – 3 йил (ўзбек тилида).

ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРИЛАДИ:

Ўрта маълумотлилар учун:

Кутубхона бўлимида	Клуб бўлимида:
1. Она тилидан диктант	1. Мутахассислик
2. Ўзбек адабиётидан оғзаки	2. Она тилидан диктант
	3. Ўзбек адабиётидан оғзаки.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун:

1. Она тилидан диктант	1. Мутахассислик
2. Ўзбек тили ва адабиётидан оғзаки	2. Она тилидан диктант

РАҲБАР НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:

1. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси)
2. 086 (У) номерли тиббий ҳужжат
3. 3х4 ҳажмдаги фотосурат (4 дона)
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлим учун)
5. Ҳарбий билет ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар 1 августгача (тўлиқсиз ўрта маълумотлилар ва ўрта маълумотлилар учун). Сиртқи бўлимга ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ

Кундузги бўлимда 1 августдан 20 августгача, Сиртқи бўлимда 20 июлдан 30 июлгача (1 поток) 10 августдан 20 августгача (2 поток).

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР УМУМИЙ ҚОИДАГА АСОСАН СТИПЕНДИЯ ВА ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Манзилгоҳимиз: Талабалар шаҳарчаси, А. Саидов кўчаси, 1-уй. Транспортлар: авт. 34,28, 10, 87. трол. 4, 20. тел: 46-04-40. 46-90-03.

Тошкент Маданият техникуми маъмуриятн.

ТАБИАТ БАЙРАМИ

Марҳамат туманидаги ёш табиатшунослар масканида табиат байрами ўтказилди. Унда табиатга доир кўргазма, альбомлар, буклетлар, рўзномалар, гуллар коллекцияси, гербарийлар, турли қушлар, стендлар, шиорлар рефератлар, кундаликлар, тажриба дафтарлари намойиш этилди.

Биринчи ўринни Мўттихон Жумабоева номидаги 5-ўрта мактаб, иккинчи ўринни Тўхтасин Мирзаев номидаги 9-ўрта мактаб, учинчи ўринни 14-, 22-мактабларнинг ёш табиатшунослари эгалладилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактаб томонидан ВАЛИЕВА Гўзал Зуфаржоновна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги Д—787524 рақамли, ВАЛИЕВ Солижон Зуфаржонович номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги А—426861 рақамли аттестатлар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6